

5-мавзу:
Давлат ер кадастрининг
ҳуқуқий асослари (4 соат)

РЕЖА:

- 1. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ТУШУНЧАСИ
ВА УНИ ЮРИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.**
- 2. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИ.**
- 3. ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТУВЧИ ОРГАНЛАР
ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.**

5-мавзу.2-маъруза:
Давлат ер кадастрининг
ҳуқуқий асослари (2 соат)

РЕЖА:

- 1.ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.**
- 2. ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТУВЧИ ОРГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.**

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Талабалар сони :90	5-Мавзу, 2-маъруза. 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари.
Машғулотнинг мақсади: Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ва уларни юритувчи органлар тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. тўғрисида тушунчалар беради 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида тушунчалар беради	1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. тўғрисида тўғрисида тасаввурга эга бўлади. 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, коллектив иш,
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. - 215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006. - 117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016. - 196 б

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. **Ўзбекистон Республикаси қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида”**,
Ўзбекистон, Т.: 1998
3. **Ўзбекистон республикасининг ер кадастрини юритишга оид қонуности ҳужжатлари.**

Интернет ресурслари


1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Ўтилган мавзунини такрорлаш учун саволлар:

1. Давлат ер кадастрини юритишнинг ҳуқуқий асосларини қандай ҳужатлар ташкил этади?

Давлат ер кадастри ва давлат кадастри тушунчалари бир хил мазмунга эгами ?

2. Давлат ер кадастри қандай тамойиллар асосида юритилади?



Давлат ер кадастри тушунчаси

3-
модда

Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборат

Давлат кадастри тушунчаси

3-
модда

Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

**ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ
ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**
(ЎЗБ. Респ. Қонуни “Ер кадастри
тўғрисида” 3-модда)

ер участкаларига
бўлган
ҳуқуқларни
давлат рўйхатига
олиш

ер майдонларини
миқдор ҳамда
сифат жиҳатдан
ҳисоб қилиш

тупроқ
бонитровкаси
ва ерларни
иқтисодий
баҳолаш

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари қандай асосларда рўйхатдан ўтказилади?

**“ДЕКТ” қонуннинг
13-моддаси**

Ер участкаларига эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ерни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига мулк ҳуқуқи юзага келиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳада этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Сервитутлар ва ерга бўлган ҳуқуқларни бошқа чеклашлар суд қарорлари асосида ҳам рўйхатдан ўтказилади.

**КЎЧМАС МУЛКА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ СХЕМАСИ
(1-сонли қарор асосида)**

1-босқич	Юридик ёки jisмоний шахс	Давлат рўйхатидан ўтказувчи органга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда ариза беради.	Ҳуқуқлар вужудга келгандан кейин бир ой мобайнида
2-босқич	Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрида аризани рўйхатдан ўтказди.	Ўша кунёқ
3-босқич	Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган ҳужжатларни экспертизадан ўтказди.	2 кун
		Зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказди.	
		Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ни расмийлаштиради ва уни юридик ёки jisмоний шахсга беради.	
4-босқич	Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган	Тақдим этилган ҳужжатларда тузатишга вақт талаб қилинадиган сезиларли бўлмаган камчиликлар мавжуд бўлганда ҳужжатлар аризаچига қайтарилади.	
5-босқич	Юридик ёки jisмоний шахс	Қайд этилган камчиликларни бартараф этади ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни такроран тақдим этади.	3 кун
6-босқич	Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган	Рўйхатдан ўтказди ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.	2 кун



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат
рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

1-сонли қарор

II. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ АХБОРОТ ТИЗИМИ КОМПЛЕКСИДАН ФОЙДАЛАНИБ «БИР ОЙНА» ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

10. Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўзларининг танловларига кўра телекоммуникация каналлари бўйича электрон ҳужжат кўринишида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

11. Ариза электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда расмийлаштирилади ва мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган зарурий ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали ва ахборот ресурси орқали электрон шаклда жўнатилади.

12. Ариза ва кадастр йиғмажилдларини электрон тарзда қабул қилиш ва уларга ишлов бериш тизими ахборот тизимлари комплекси, шунингдек алоқа каналлари ва ахборотни узатиш ва қабул қилишнинг ахборот хавфсизлиги таъминланган дастурий-аппарат воситалари, олинган ахборотга ишлов бериш, уни сақлашнинг дастурий-аппарат воситалари базасида юритилади.

13. Юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ишларни амалга оширадilar:

кадастр йиғмажилди маълумотларини ўз ичига олган, электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон ҳужжатни шакллантириш ва имзолаш;

юридик ва жисмоний шахс ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган электрон ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга жўнатиш.

14. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган электрон ҳужжат олинган куни аризани кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва унинг билан битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризалар реестрига киритади.

15. Рўйхатдан ўтказувчи ариза рўйхатга олингандан кейин икки кун мобайнида қуйидаги ишларни амалга оширади: юридик ва жисмоний шахсга электрон рақамли имзо қўлланиб, жўнатишган ҳужжатлар олинганлигини тасдиқланганлиги тўғрисида хабарнома юбориш;

олинган электрон ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг электрон архивида сақлаш;

юридик ва жисмоний шахс ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини текшириш

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

1-сонли қарор

32. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланган чекланишлари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Айрим объектлар атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши билан боғлиқ ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли давлат ҳокимияти органларининг муҳофаза зоналарини белгилаш тўғрисидаги қарори асос бўлади. Муҳофаза зоналарида муайян фаолият турларини амалга ошириш ман этилади ёки чекланади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини гаровга қўйишда, ер участкасига ижроия ҳужжатлар бўйича ундирув қаратилганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига ҳуқуқларнинг чекланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизи́тларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг гаровга (ипотекага) қўйишда чекланишини давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Низомнинг VIII бўлимида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

33. Ер участкасига бўлган сервитут давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси бўйича, сервитут белгиланишидан манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс ва ерларида сервитут белгиланадиган юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида тузилган ёзма келишуви асосида ёки суд қарори бўйича амалга оширилади.

Сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар давлат реестрига сервитут белгиланиши ҳақидаги ҳужжатнинг номини ҳамда унинг реквизи́тларини кўрсатган ҳолда тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сервитут сақланиб қолинади, у белгилаш учун асослар бекор бўлган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайдан эътиборан **7 кун-?** муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда **гувоҳнома** берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1. давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкасининг мансублиги масаласида низолар борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

2. давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

3. ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг рўйхатдан ўтказувчи томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаслиги;

4. ҳуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши;

5. ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги.

ЕРЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА СИФАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

“ДЕКТ” қоуннинг
17-модда

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва (ёки) картометрик усулларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий-қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гуруҳларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш **асосий ва жорий** турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг **асосий тури (инвентаризация)** жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг **жорий ҳисоби** кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади.

**ЕР КАДАСТРИ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎЗ ИЧИГА ҚАНДАЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ ОЛАДИ?
(«ДЕКТ » қонуннинг 12-МОДДАСИ)**

ер
участкаларига
бўлган ҳуқуқни
тасдиқловчи
ҳужжатлар

туман
(шаҳар) ер
кадастри
дафтари

ерларнинг
миқдор,
сифат ҳолати
ва уларнинг
баҳоси
тўғрисидаги
ҳисоботлар

кадастр
хариталари,
планлари ва
қонун
ҳужжатларида
назарда
тутилган
бошқа
ҳужжатлар

**Тупроқ
бонитровкасининг
асосий мақсади
нимадан иборат?**

18-
модда

Тупроқ бонитровкасининг асосий мақсади ерларни табиий, барқарор хусусиятлари ҳамда хўжалик шароитида ва фойдаланиш жараёнида олган сифатлари бўйича баҳолашдан иборат. Тупроқ бонитровкасини натижалари ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда асос бўлиб хизмат қилади.

**Ерларни
иқтисодий
баҳолаш (қиймат
баҳосини
аниқлаш) нинг
асосий мақсади
нимадан иборат?**

19-
модда

Ерларни иқтисодий баҳолаш - бу махсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини уларнинг иқтисодий унумдорлигини қиймат жиҳатдан баҳолашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий (тупроқ бонитети баллари орқали), иқлимий (самарали ҳарорат йиғиндиси, ёғингарчилик миқдори ва бошқалар), хўжалик (ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси) ва технологик (контурлилик, майдонлар шакли, ишчи қияликлар ва бошқалар) шароитлари бутун бир мажмуа тарзда ҳисобга олинади.

ЕРЛАРНИНГ НОРМАТИВ ҚИЙМАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АНИҚЛАНАДИ?

235-сонли қарор

Норматив қийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти «Ўздаверлойиҳа» томонидан амалга оширилади.

Норматив қиймат ишлаб чиқариш ресурси сифатида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифатини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

1 га қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- **тупроқнинг сифатини ва табиий ем-хашак экин майдонлари (пичанзорлар ва яйловлар)ни баҳолаш кўрсаткичлари;**
- **асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дарахтлар тузилмаси;**
- **қишлоқ хўжалиги экинлари, кўп йиллик дарахтлар ва ем-хашакбоп экин майдонларининг норматив ҳосилдорлиги;**
- **қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив унумдорлиги;**
- **қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳисоблаб чиқилган фойда олиши;**
- **деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртача йиллик нархлари ҳамда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг ўртача харид нархлари;**
- **фойданинг капиталлашуви фоизи.**

ЕР КАДАСТРИНИ ҚАНДАЙ ОРГАНЛАР ЮРИТАДИ?

“ДЕКТ” қонун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалга оширади. Қонуннинг 10-моддасига кўра Давлат ер кадастрини юритиш аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш; ерлар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш; жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ер мониторинги материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотларига оид маълумотлар мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш билан таъминланади. Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади.

**Вазирлар
Маҳкамасининг
давлат ер
кадастрини
юритиш
борасида
қандай
ваколатлари
мавжуд
(6-модда)**

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш

молиялаш ва инвестициялаш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал этиш

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тасдиқлаш

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш

топография-геодезия, картография ишларига ҳамда давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бошқа ишларга лицензия бериш тартибини белгилаш

**Давлат
хокимияти
махаллий
органларининг
давлат ер
кадастрини
юретиш
борасида қандай
ваколатлари
мавжуд
(7-модда)**

ер участкаларига бўлган мулкчилик, уларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқини, сервитутлар тўғрисидаги битимларни ва ушбу ҳуқуқлар бўйича бошқа чеклашларни рўйхатдан ўтказиш

мулкдорлардан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан ва ижарачилардан ҳуқуқий ҳолатида, ер участкаларининг таркибида ва ер участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва жойида текширилгандан сўнг жорий ўзгаришларни ер кадастри ахборотига киритиш

туман (шаҳар) ер ресурслари миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар банкларини тузиш ва улардан фойдаланиш каби масалаларни амалга ошириш

**«Ергеодезкадастр
» Давлат
қўмитасининг
давлат ер
кадастрини
юритиш борасида
қандай
ваколатлари
мавжуд
(8-модда)**

**Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида
давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш**

**Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар
йилги миллий ҳисоботни тузиш**

**вилоятлар, туманлар ҳамда аҳоли
пунктларининг маъмурий чегараларини
белгилаш (аниқлаштириш) ишларини
ташкил этиш ва ўтказиш**

**норматив ҳужжатларни белгиланган
тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

**мутахассисларни тайёрлаш ҳамда
уларнинг малакасини ошириш ишларини
ташкил этиш**

ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТУВЧИ ОРГАНЛАР ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАР ЮРИТАДИ?

“ДЕКТ” қонун
11-модда

Давлат ер кадастрини юритиш ваколатига эга бўлган органлар ҳар йили ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот тайёрлайдилар. Миллий ҳисоботда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ижарачилар, ер мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар ва ер кадастрига оид бошқа ахборот акс эттирилади.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ER RESURSLARI, GEOLOGIYA,
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT KADASTRI
DAVLAT KOMITATI

Ўзбекистон Республикаси Er ресурсларининг ҳолати тўғрисида МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Шайхлар Мадрасасининг 1998 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини шунинг тўғрисида"ги 542-сонли, 2000 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қўрилган қонун"га 496-сонли қанда 2017 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геология, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисида"ги 429-сонли қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот" тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геология, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари иштирокатида улар тарафидан таълим аниқлаш қўжатлари асос қилиб олинди.

Бosh муҳаррири:

А.Х.Абдулваев

Мушаррафлар:

Т.М.Абдулваев

М.И.Ғулимов

Ш.Х.Ҳайбулваев

Тушунчилар:

А.Алимов, К.Норқўлимов, К.Исламқўлимов, Д.Шеретов, Й.Қорабоев,
Ш.Бобоевқоров, Н.Халориев, Ф.Хушмақтов, Н.Лотиков, У.Наширтов, Ҳ.Сафаров,
М.Умаров, Д.Ғишани, А.Симонов, Р.Жўраев, Ш.Жабборов, Р.Қўлимов, Ш.Майитов.

1. Ўзбекистон Республикасининг ер фанди

1.1. Ер фандининг тоифалари ва уларнинг тақсими

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2018 йил 1 январ ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, шохча, картография ва давлат мадурли давлат ҳўнати томонидан ҳисобот Шайда корона, муҳасаб, фермер ҳўнати ва таҳсилотларнинг ерларидан Ўзбекистон Республикаси тўғрисида маълумотлар асосидан қанда тунда, шайда ва асосат ҳўнатида қарорлари Шайда таҳсилотлар Шайда ер ҳисоботларини республика бўйича уюрлаштириши мақсадидан тунда.


2018 йил 1 январ ҳолатида Ўзбекистон Республикасининг маълумий остирасидан уюрлий ер майдони 44896,9 минг гектарни таҳсил қилади. Республика бўйича корона, таҳсилот, муҳасаб, фермер ҳўнати ва бўнарлар бўйича таҳсилотлар жами ерлар 44897,4 минг гектарни, шундан суверенлаштирилган ерлар 4311,5 минг гектарни бун уюрлий ер майдонининг 9,6%ини таҳсил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фанди ерлардан бўйича таҳсилотлар ва таҳсилотлар кўра унда қос ҳўнатида таҳсилотлар бунда, унда Ўзбекистон Республикаси Ер қосқининг 8-қосқинида Шайда 8 та тоифага бунда. Ер фандининг тоифалари бунда таҳсилотларини 1.1-қосқинда ва 1.1-қосқинда қанда ер фандининг ер турлари бунда таҳсилотларини 1.2-қосқинда ва 1.2-қосқинда қўра таҳсил.


1.1-қосқин

Ўзбекистон Республикаси Ер фандининг тоифалари бунда таҳсилотларини

№	Ер фандининг тоифалари	Уюрлий ер майдон		Шў ҳўнатида қўра таҳсилотлар ерлар	
		Шайда	Шайда қосқинида	Шайда	Шайда қосқинида
1	Қўнати ҳўнатида таҳсилотлар ерлар	20221,0	43,13	4188,9	9,33
2	Ақоли таҳсилотларининг ерлар	2212	0,49	20,9	0,11
3	Шайда таҳсилотлар, ақоли муҳасаб ва бунда шайда таҳсилотларининг ерлар	2271	1,81	12,4	0,03
4	Таҳсилотлар муҳасаб қосқинида қосқинида таҳсилотлар ва бунда шайда таҳсилотларининг ерлар	7044	1,57	0,0	0,001
5	Таҳсилотлар, ақоли таҳсилотларининг ерлар	143	0,03		
6	Уюрлий фанди ерлар	11023	24,56	41,3	0,09
7	Шайда фанди ерлар	2327	1,00	4,7	0,01
8	Шайда ерлар	108108	24,10	2,2	0,002
	Жами ерлар:	44897,4	1,00	4321,3	9,6



1.1-қосқин 2018 йил 1 январ ҳолатида Ўзбекистон Республикаси ер фандининг тоифалари бунда таҳсилотларини



1.2-қосқин 2018 йил 1 январ ҳолатида Ўзбекистон Республикаси ер фандининг ер турлари бунда таҳсилотларини

Уйга вазифа

- Ўзбекистон республикасининг қуйидаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари таркиби ва мазмуни билан танишиш:
 1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида», 28.08.1998 й.
 2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Давлат кадастрлари тўғрисида», 15.12.2000 г.
 3. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «Ўзбекистон Республикасида ер кадастрини юритиш тўғрисида», № 543, 31.12.1998 й.
 4. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», №1, 7.01.2014 й.
 5. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ НОРМАТИВ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида» №235. 18.08. 2014 й.